

Қарор ва
ижро

Халқаро пакетли КОММУТАЦИЯ маркази

Бухорода рақамли
кенг полосали
узатиш тизимининг
янги линияси
ишга туширилди

"Ўзбектелеком" АК томонидан мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, давлат органлари, корпоратив мижозлар ҳамда аҳолига халқаро интернетга тезкор уланишни тақдим этиш мақсадида янги боғлама ва маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинган. 2005 йилда интернет провайдерларига глобал тармоқ ресурсларига уланишни таъминловчи "Ўзбектелеком" АК Халқаро пакетли коммутация марказининг ташкил этилганлиги мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

2-бет

Сўнги янгилик!

MediaTek (Тайван) компанияси смартфон ва планшетлар учун жаҳондаги биринчи 10 ядроли процессор тақдирини ўтказди. Янги Helio X20 процессори мобил қурилмаларда ўйинлар, тасвир ва видео сифатини янада ошириш томон ташланган қадам бўлди.

Янги процессор ўнта ядросининг бир пайтда ишласлиги билан 2013 йили чиқарилган MediaTek MT6592 — мобил қурилмалар учун 8 ядроли процессордан фарқланади, яъни қурилмага юклатиш кўпайишига қараб процессорлар жараёнга қўшилиб боради.

Helio X20 бир корпусда учта процессорни бирлаштирган: 2 ядроли ARM Cortex-A72 (2,5 ГГц частотали), 4 ядроли ARM Cortex-A53 (2 ГГц частотали) ва 4 ядроли ARM Cortex-A53 (1,4 ГГц частотали).



Ушбу сонда:

■ Пойдевор	3
■ Бир сонияда триллионта кадр	4
■ Сервису uMail.uz исполнилось 2 года	6
■ "Қорахат"га кирган жангчи	13
■ Ихтиёрий тиббий суғурта	14
■ Кунлардан бир куни...	16

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президентини Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май кuni Москва шаҳрига ташриф буюрди ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

9 май кuni пойтахтимиздаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 май кuni Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан таништи. Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк қурилди. Президентимиз Ислам Каримов 12 май кuni ушбу кўприкни бориб кўрди ва шу атрафда истиқомат қилаётган фахрийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди. Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизда экологик таълим-тарбияни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

"Туркистон" саройида Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси ансамбллари томонидан Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб адабий-музика хайрия концерти ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

◀ 1-бет

Халқаро пакетли коммутация маркази

Бухорода рақамли кенг полосали узатиш тизимининг янги линияси ишга туширилди

Ўтган ҳафтада Бухорода Халқаро пакетли коммутация маркази боғламаларини ўзаро боғлаш ва Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш учун узатиш тезлиги 100 Гбит/сонияга тенг DWDM — рақамли кенг полосали узатиш тизимининг янги линияси ишга туширилди.

Ушбу объект "Ўзбектелеком" АК ҳамда Япониянинг NEC корпорацияси ва Toyota Tsusho савдо уйи билан ҳамкорликда барпо этилди. Янги боғлама мамлакатимиз пойтахти Тошкентни Бухоро шаҳри билан боғлади. У анъанавий рақамли кенг полосали узатиш тизимидан ҳар томонлама афзалдир. "Ўзбектелеком" АК мутасаддилари томонидан ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур лойиҳанинг тақдимоти чоғида ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар бўйича атрафлича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, ушбу боғлама Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан "Ўзбектелеком" АКнинг "Халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш" лойиҳаси доирасида ўз фаолиятини бошлади. У илгор когерент, яъни мустақил қабул қилиш ва узатишда ўта замонавий — жаҳон миқёсида эътироф этилган бренд технологиялари қўлланилганлиги жиҳати ва узатиш тезлиги ҳамда сифати билан алоҳида ажралиб туради.



Вилоятда интернет тизимидан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг дастлабки чораги давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан абонентлар сони 45,1 фоизга ошди. Табиийки, халқаро пакетли коммутация маркази янги линиясининг фойдаланишга топширилганлиги мижозларга катта қулайликлар яратади. Уланиш тезлигининг ошиши билан бирга, белгиланган тариф қиймати ҳам анча камаяди.

Тақдимот маросимида, шунингдек, "Ўзбектелеком" АКнинг симсиз радио уланиш тармоғи линияси лойиҳаси хусусида ҳам сўз борди. Юртимизнинг бир қатор сай-

ёҳлик объектларида, меҳмонхона, аэропорт ва темир йўл вокзалларида симсиз Wi-Fi тижорат тармоқлари фойдаланишга топширилганлиги таъкидланиб, айнан шундай лойиҳаларни Бухоро шаҳрида ҳам амалга ошириш режалаштирилганлиги айтиб ўтилди.

Тақдимот давомида "Ўзбектелеком" АКнинг халқаро ҳамкорлик ва операторлар билан ишлаш департаменти директори Ҳабибулла Солибоев ва бошқа мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Суратларда: "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали мутахассислари.

2015-yil — KEKSALARNI E'ZOZLASH YILI

Янги қадам

Жорий йилда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш тизимидаги компания, жамият, корхоналар ҳамда касаба уюшмалари томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури" доирасида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Дастурда корхоналар томонидан режалаштирилган 1530 нафар кексалар озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминланди, уларга коммунал хизматларга ҳақ тўлашда кўмак берилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда фахрийлардан 100 нафари, улардан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини бепул, кекса меҳнат фахрийларини (жамоа шартномалари орқали бепул), ходимлар ота-оналарини имтиёзли асосда соғломлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Иш берувчилар билан жамоа шартномалари орқали жами 1300 нафар пенсия ёшидагиларга пенсияга чиқишдан олдин рағбатлантириш, юбилей саналари муносабати билан пенсияга чиқиш арафасидаги ва пенсия ёшидаги шахсларга қимматбаҳо совғалар, собиқ ходимларга моддий ёрдам берилмоқда.

Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида кексалар, меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлодининг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий гуруҳ ва ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш

мақсадида "Сиз доим эъзозласиз", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кексаларни ардоқлаган юрт", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этмоқда.

Соҳада фаолият юритаётган кекса ёшдаги ва нафақага чиққан ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "ALCKOM" сугурта компанияси томонидан "Эъзоз" сугурта полиси ишлаб чиқилди ва уни татбиқ этиш юзасидан ташкилий ишлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарида меҳнат қилаётган ҳамда нафақага чиққан алоқа ходимларини ушбу "Эъзоз" сугурта полиси билан сугурталаш ишларини молиялаштиришни ўз зиммасига олган. Бу фахрийлар ижтимоий ҳимояси борасидаги янги қадамдир.

Мирвоҳид ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши бош мутахассиси

Ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишланмалари бўйича "Best Soft Challenge-2015" танлови эълон қилинди.

2015 йил 24 апрел куни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "VIII Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар худудий ярмаркаси"да ТАТУ Нукус филиали томонидан ҳам бир қатор лойиҳалар тақдим қилинди.

ПОЙДЕВОР

"VIII Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар худудий ярмаркаси"га муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ТАТУ Нукус филиалида 2015 йил 9 апрел куни "Дастурий ва техник ишланмалар" кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага филиал иқтидорли талабалари томонидан дастурий иловалар, веб-иловалар ва техник ишланмалар йўналишлари бўйича жами 58та лойиҳа тақдим қилинди.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари йўналиши бўйича филиалимизга бириктирилган Нукус компютер ва ахборот технологиялари, Кегайли қурилиш ва ахборот технологиялари, Хўжайли алоқа касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчиларининг фаол иштироки таъминланди. Саралаб олинган энг яхши лойиҳаларга худудий Республика инновацион ярмаркасида қатнашиш учун йўлланма берилди.

Худудий кўргазмага филиалимиздан жами 21 лойиҳа тақдим қилинди, жумладан, турли мавзудаги веб-сайтлар, техник ишланмалар, дастурий ишланмалар ва ўқув жараёнида қўлланадиган электрон мажмуалардан иборат лойиҳаларни тилга олиш мумкин. Филиалимизнинг 4-босқич талабаси Азамат Примбетов ишлаб чиққан "Туризмни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоқ халқининг миллийлигини ифодаловчи" веб-сайти ахборот технологиялари йўналишида гоғиб деб топилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланди. Туризм соҳасида фаолият юритувчи мутахассис-



ТАТУ Нукус филиали худудий ярмаркада.

лар веб-сайтни янада бойитиш бўйича маслаҳатлар бериши.

Веб-сайтда қорақалпоқ халқининг тарихи, миллий-

тайёрлашда HTML тили асосида PHP тили ёрдамида маълумотлар базасига мурожат қилинади. Ҳозирда сайтда барча зурур интерактив хизматларни йўлга қўйиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, дастурий ишланмалар бўйича ТАТУ Нукус филиали "Ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси Э.Бобожа-новнинг "Inter-VUZ" автоматлаштирилган ОТМларда интерактив хизматларни кўрсатиш тизими ва "ОТМ ва УМТМларнинг кенгайтирилган ахборот-ресурс маркази" лойиҳалари, 2-босқич магистранти Б.Калмуратовнинг "Q-LING" инглиз тилини мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган дастурий ишланмасига соҳа мутахассислари томонидан шартнома тартиф қилинди.

Хайрат СЕЙТКАМАЛОВ,
ТАТУ Нукус филиали директори ўринбосари,
Тимур БЕРДИМБЕТОВ,
филиал илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича масъули

лиги, археологик қазилмалардан топилган буюмлар, тарихий жойлар ва музейлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида Қорақалпоғистонда жойлашган меҳмонхоналар ҳақида ҳам батафсил маълумот жойланган.

Сайтдаги маълумотларни қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўриш имконияти мавжуд. Маълумотларни излаш, изох қолдириш, фикр алмашиш (чат) ва бошқа хизматлар акс эттирилган. Мазкур веб-сайтни

TANLOV

Мен депутат бўлсам...

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёш депутатлар" танлови туман босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент молия институти ва ТАТУ талаба қизлари фаол иштирок этишди. Улар ўз билими, тадбиркорлиги ва, албатта, сиёсий етакчилиги қобилиятларини тўртта шарт бўйича талқин этдилар. Учинчи шартта кўра, қизлар партиянинг низоми, асосий вазибалари ва мақсадлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ҳайрат аъзолари танлов якунида партия фаолияти тўғрисида қизларга маслаҳат ва кўрсатмалар бердилар. Иштирокчилар "Мен

депутат бўлсам..." деб номланган шартда ўзларининг депутат сифатида давлатимизга наф келтирадиган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган гоғларини саҳна кўришида намоёиш этишди. ТАТУ касбий таълим факултетининг 1-босқич талабаси Наргиза Матқурбонова энг юқори кўрсаткич билан "Ёш депутатлар" кўрик-танлови гоғибасига айланди ва танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

Барча иштирокчилар "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ферузахоним НУРМУҲАМЕДОВА,
ТАТУ талабаси

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ!

Қандай рухсатнома керак?

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича Давлат инспекциясига республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлардан телекоммуникациялар соҳасига оид турли саволлар келиб тушмоқда. Ушбу саволлардан энг кўп такрорланаётганига қуйида тушунча беришни лозим деб топдик. Савол қуйидагича:

— "Интернет кафе" фаолиятини амалга ошириш учун қандай рухсатнома талаб этилади?

— Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, рухсат берувчи тартибларни қисқартириш ва арзонлаштириш, шунингдек, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган илоҳотлар натижасида телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялашда хўжалик юритувчи субъектларга енгилликлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-қарори билан Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низома талабларига мувофиқ "Интернет кафе" фаолиятини амалга ошириш учун "Ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш" фаолият турига лицензия (рухсатнома) олиниши талаб этилади.

Телекоммуникация соҳасида юридик шахсларнинг фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади, яъни телекоммуникация соҳасида фаолият юритиш мақсадида лицензия даъвоғари аризаларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, лицензия келишувлари ва лицензияларни расмийлаштириш, шунингдек, Лицензиялаш масаласи бўйича Эксперт комиссиясининг йиғилишлари ўтказилиши ташкиллаштирилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)нинг "Ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш" фаолиятининг лицензияланадиган турларини амалга ошириши тақиқланади.

"Ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш" фаолиятига лицензия олиш учун лицензия даъвоғари лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

а) лицензия бериш тўғрисида белгиланган шаклда бўйича ариза, унда:

— юридик шахсининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

— юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг тури кўрсатилади;

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусخаси;

в) лицензияловчи орган лицензия даъвоғарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвоғари энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) санитария, ёнган нормалари ва объектни кўриқлаш талабларига мувофиқлик тўғрисида тегишли органларнинг хулосаси.

С.АЛИМОВ,
инспекциянинг маълумотлар узатиш тармоқлари бўлими 1-тоифали муҳандиси

Xalqaro
hayot

● **САУДИЯ АРАБИСТОНИ** Яманга инсонпарварлик ёрдами сифатида қўшимча 270 миллион доллар тақдим этади. Шундай қилиб, Саудия Арабистони Яманга кўрсатадиган гуманитар ёрдам миқдори 540 миллион долларга етди.

● **СИНГАПУР** мактаб тизими, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, дунёда энг яхши деб топилган. Ўтказилган тестлар бўйича энг яхши натижалар осийлик ўқувчилар томонидан қайд этилган. Иккинчи ўринда Гонконг кўрсатилган бўлса, кейинги поғоналардан Жанубий Корея, Япония ва Тайван ўрин олган.

● **БМТнинг** Женевадаги қароргоҳида 28 майда Яманда тиҷликка эришиш бўйича музокаралар бўлиб ўтади. Учрашув 17 майда бўлиши керак эди, бироқ шу кун Ар-Риёда Яман бўйича анжуман ўтказилиши сабабли уни янги санага кўчиришга тўғри келди.

● **ТУРКИЯ** бош вазири Аҳмет Давутўғлу Украина ўз халқи хавфсизлигини таъминлай олиши учун уни қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида баёнот берди. НАТОга аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирилари саммитининг Белек шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида сўзга чиққан Давутўғлу, "Ёрдам қўлини чўзиш вақтида, айниқса, қрим-татар халқининг қийинчиликларини ҳам ёлдан чиқармаслик керак" лигини таъкидлади.

● **АФФОНИСТОН** пойтахти Қобулдаги Park Palace меҳмонхонасига жангарилар томонидан уюштирилган қуролли ҳужум оқибатида беш киши ҳалок бўлди.

● **ФРАНЦИЯ** президенти Франсуа Олланд Куба пойтахти Гаванада ака-ука Фидел ва Раул Кастролар — билан учрашди.

● **ИНДОНЕЗИЯ** Мянма ва Бангладешдан муҳожирилари олиб келаётган паромни худудий суварига қиритмади. "Кема Индонезия қирғоқларидан чиқариб юборилди. "Биз уларни Малайзия ёки Австралияга кетишга мажбур қилаётганимиз йўқ. Бу бизнинг ишимиз эмас. Бизнинг ишимиз уларни Индонезия худудига қиритмасликдир", — дейилади мамлакат ҳарбий денгиз кучлари вакиллари берган баёнотда.

● **ГРЕЦИЯ** ҳукумати Халқаро валюта жамғармасига 750 млн. евро миқдоридидаги навбатдаги траншни ўтказиб берди. Бу маблағ ХВЖдаги захира позициялари ҳисобидан олинган. Эндиликда Греция расмийлари бир ой мобайнида бу захиранинг тўлдиришдан умид қилмоқда.

● **УКРАИНА** президенти Пётр Порошенко мамлакатнинг Беларусдаги элчиси Михаил Ежелни истеъфога чиқарди.

ТЎРТ ҚАРРА УСТАМА

IHS Technology компанияси ҳисоб-китоб қилишича, Apple Watch "ақли" соатлари компания маҳсулотлари орасида чакана нархи таннархига нисбатан энг қиммати экан.

Масалан, Apple Watch Sport қурилмасини олайлик. Унинг қисмларини тайёрлаш ва йиғишга 83,70 доллар сарфланади, нархи эса 349 доллар. Яъни ишлаб чиқариш харажатлари чакана нархининг 24 фоизини ташкил этади, компаниянинг бошқа маҳсулотлари учун бу кўрсаткич 29 фоиздан 98 фоизгача нисбатга тенг.

Apple Watch Sportнинг энг қиммат қисми LG дисплеи — 20,5 доллар. Процессор — 10,2, хотира-си — 7,2, қувватлаш қурилмаси ва фойдаланувчи интерфейси — 5,5, батареяси — 0,8 доллар. Соатни йиғишга эса 2,5 доллар сарфланади.

Дарвоқе, IHS Technology лойиҳа ишланмаси, маркетинг, логистика, дастурий таъминот, транспорт чиқимларини ҳисобга олмаган.

iOS 8.2
iPhone, iPod, iPad

iOS — КОРПОРАТИВ ЕТАКЧИ

Good Technology: бугунги кунда жаҳон корпоратив секторидеги мобил восита бу — iOS амалий тизими (улуши — 72 фоиз). Apple корпорациясининг бу ишланмаси таълим (83 фоиз) ва молия (76 фоиз) тизимларида, айниқса, фаол қўлланилмоқда.


Дарвоқе, 2015 йилнинг дастлабки чорагида iPhone 6 смартфонни ҳам энг оммалашган корпоратив смартфон сифатида эътироф қозонган эди.

МОБИЛ ҚИДИРУВ
ОММАЛАШАЯПТИ

Айтиш жоизки, Google корпорацияси тобора мобил фойдаланувчиларга катта эътибор қаратмоқда, бунинг учун сабаблар етарли, масалан, компания ўнга мамлакатда (АҚШ ва Япония ҳам бунинг ичида) компьютерларга қараганда, смартфонлардан амалга оширилган сўровларни кўпроқ қидирапти. Айтмоқчи, гуғлчилар планшетларни ҳам компьютерлар рўйхатига қиритишган.

Ўтган ойда мобил қурилмаларда кўришга қулай сайтларни излаб топиш учун қидирув алгоритмлари янгиланганди, энди бўлса реклама ва эълонлар жойлаштиришнинг мос шакллари устида изланиш кетяпти.

ОДДИЙ ЛИНЗАДАН МИКРОСКОП



Хюстон университети: оддий линза смартфонни кучли микроскопга айлантиради. Университет олимлари ишлаб чиққан митти линза смартфон камерасига ўрнатилса бас, 120 қарра катталаштирувчи қўлбола микроскоп тайёр.

Линзанинг ўзи полидиметилсилоксан (PDMS) деган материалдан тайёрланган.

PDMS-линзали смартфон-микроскоп ва профессионал Olympus IX-70 микроскопида инсон соч толаси текшириб қўрилганда бир хил натижа қайд этилди, таннархига келадиган бўлсак, биринчиси атиги уч центта тушса, иккинчиси минг доллардан кам турмайди.

БИР СОНИЯДА
ТРИЛЛИОНТА КАДР

Кейчи Накагава бошчилигидаги япон олимлари 1 трлн. кадр/сония тезликка эга камера (STAMP) ишлаб чиқишди. Бу амалдаги камераларга қараганда минг мартаба юқори тезликни аниглади.

STAMP — изчил синхронлашган тўлиқ оптик фотоаппарат бўлиб, ундаги оптик компонентлар ёруғлик тезлигига солиштирса бўладиган тезликларда ишлайди.


Тўғри, тезлик юқори бўлгани билан, ҳозирча фотокамера тугмаси бир босилганда 25та кадр олади. Бироқ Накагава кўрсаткичини 100тагача етказишга умид қилмоқда.

Мазкур ишланма келгусида электронлар ҳаракатини қайд этиш, лазернинг ишлаш тартиби билан яқинроқ танишиш сингари мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

3D-САМОЛЁТ

Stratasys компанияси A350 XWB аэробуси учун 1000дан ортиқ қисмларни 3D-чоп этиш технологияси ёрдамида тайёрлаб берди. Компания вакилларининг маълум қилишларича, уч улчамли чоп этиш усули эвазига ҳам вақтдан, ҳам нақддан ютилган.

A350 XWB — Airbus концернининг кенг фюзеляжли самолётлари туркумига мансуб бўлиб, узоқ масофаларга парвоз қилишга мўлжалланган.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Байрам шукуҳи

"ЎЗИ" қўшма корхонаси томонидан алоқачиларнинг касб байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бир неча йиллар вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб, бугунги кунда нафақада бўлган Абдуғафур Муҳаммаджонов уруш хотираларини ёдга оларкан, унинг натижасида кўплаб беғуноҳ кишилар қони бекорга тўкилганлиги, бугунги фаровон, тинч ҳаётимиз қадрига етишимиз кераклиги тўғрисида сўзлади.

Тадбир давомида 40 йилдан ортиқ 232-АТСда кабел-пайвандчи бўлиб меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Муродкул Фаниев, бугунги кунда муборак 60 ёшни қаршилаган корхонанинг телеграф бўлими бошлиғи Абдураҳмон Ўринбоев, 232-АТС станция муҳандиси Тоҳир Қобилов, автомобил ҳайдовчиси Ўроз Ўлмасовлар, 50 ёшни қаршилаган 11 нафар ходимлар ҳамда ишда ўрнак кўрсатган 110 нафар ишчи-ходимлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. 222-АТС электромонтёри Ақобир Одилов қўшма корхонанинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мукофотларни қўшма корхона бош директори Гера Ли, "ЎЗИ-Самарқанд" филиали бошлиғи Рустам Рашидов, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Фанишер Розиковлар эгаларига топширдилар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Бир пиёла чой баҳона

Хўжайли почта алоқаси тармоғида алоқачиларнинг касб байрами арафасида меҳнат фахрийлари билан учрашув ташкил этилди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Қутлимурад Қувондиқов, Хўжайли ПАТ бошлиғи Саломат Исмоилов, тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Олтиной Зоировалар фахрийларни касб байрамлари билан табриклаб, уларга совғалар топширишди.

Фахрийлардан Дариҳа Мучеркенаева, Ойимжон Исмоилова, Зулайҳо Абдалова ва бошқалар ўз ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилиб, эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ
Қорақалпоғистон Республикаси

Мамнуният

"Матбуот тарқатувчи" АК уюштирган Хотира ва Қадрлаш тадбирига собиқ ҳамкасблар — фахрий отахону онахонлар таклиф этилди. Сувон Нажбиддинов бошчилигидаги компания жамоаси уларни мамнуният билан кутиб олиб, хизматларида бўлишди. Табриклар табрикларга уланди, тўкин дастурхонга палов тортилди. Саксон саккиз нафар меҳнат фахрийси пул мукофоти билан тақдирланди.

— Узоқ йиллар "Матбуот" дўконда журналист ва ёзувчилар меҳнати маҳсулини аҳолига етказиш билан шуғулландим, — дейди Фотима ая Иброҳимова. — Пенсияга чиққангизга йигирма йил бўлибди. Умрларидан барака топишсин, раҳбарларимиз байрамларда йўқлаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади. Компаниямиз ишига ривож тилайман. Эл хизматида асло толманг, азиз ҳамкасблар!

Муҳиддин СОЛИЕВ

Икки авлод гурунги

"Ўзбектелеком" АК "Бош Коммутиация Маркази" филиалида касб байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш куну муносабати билан "Икки авлод учрашуви" анъанаси асосида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тўкин дастурхон атрофида жам бўлган фахрийларни филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари Татьяна Пузина ва фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр ака Азимовлар байрам билан самимий табрикладилар.

Шу кун алоқа тизими ривожига муносиб ҳиссаларини кўшган марҳум алоқачилар хотираси, эзгу ишлари ёдга олинди, байрамлар арафасида эса кам таъминланган онилалар ва ёлғиз қариялар йўқланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Маҳмуда АРИПОВА,
"БКМ" филиали ходими

Хотира — муқаддас

Жиззах вилоят ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган "Хотира — муқаддас, қадр — абадий" деб номланган адабий-мусиқий кечага устоз-фахрийлар таклиф этилди.

Жамоа аъзолари АКМнинг собиқ раҳбари С.Иброҳимов, раҳбар ўринбосари Ш.Аҳмедова, Х.Камолова каби ҳаётдан кўз юмган ҳамкасбларини ёдга олишди.

АКМ аъзолари саҳна кўринишлари, вилоят санъат ҳамда педагогика коллежлари ўқувчилари мусиқали дастур намойиш этишди.

Меҳмонлар ва коллежлар ўқувчиларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

Р.НАЗИРОВА,
АКМ илмий-услубийт бўлими мудир

Таъзим

"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалида ишлаб, айна пайтда фахрийлик гаштини сураётган устоз алоқачилар Хотира ва Қадрлаш куну арафасида қадрдон жамоаси меҳмони бўлишди. Бугун филиал ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ўнлаб шогирдлар ва устозларнинг бир пиёла чой устидаги суҳбат қизигандан-қизиди.

— Корхонанинг ҳозирги ривожига фахрийларнинг ҳиссаси катта, — дейди маданий-маърифий ишлари буйича масъул Мактуба Қорабоева. — Байрам муносабати билан ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури" ижроси доирасида уларга пул мукофотлари ва совғалар топширдик. Устозларни ҳар қанча эъзозласак оз. Зеро, уларнинг дуоси муваффақиятларимиз асосидир.

Ўз мухбиримиз

Қашқадарёликлар ютуғи

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалида ўтказилган тадбирида меҳнат фахрийлари, почта алоқа соҳасининг фаоллари тўпландилар.

Йиғилганларни филиал директори Ориф Маҳмудов, соҳа фаолларидан Санжар Орипов, Акрам Қурбонов ва бошқалар табрикладилар.

Фахрийлар ҳамда бир гуруҳ почта алоқаси соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётганларга эсдалик совғалари топширилди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди. Филиал директори Жуманазар Бозоров йиғилганларни табриклади.

Соҳа ходимлари бугунги кунда эришилаётган ютуқлар, олиб борилаётган ишлар самарадорлигига тўхталдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Дийдорлашув

Сирдарёлик алоқачилар касб байрамини нишонлаш учун вилоят ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган "Моҳир алоқачилар" тадбирига йиғилишди.

Саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар ҳамда бир-биридан гўзал рақслар байрам кечасини беъади. АКМ ходимлари китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этишди.

Раҳбариятнинг алоқа соҳаси фахрийларига фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларини АКМ директори Алижон Бойматов топширди.

Хуршида РИСКУЛОВА,
АКМ етакчи кутубхоначиси

Фахрийлар ҳузурда

Хотира ва Қадрлаш куну муносабати билан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиали раҳбарияти фахрийлар ҳолидан хабар олиш мақсадида уларнинг хонадонларига ташриф буюрди.

Уларга жамиятнинг почта алоқаси корхоналарида фаолият юритган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги буйруғига асосан 400000 сўмдан ёрдам маблағлари ва совға-саломлар етказилди.

Ташрифдан кўнгиллари тоғдек кўтарилган фахрийларимиз, жумладан, узоқ йиллар мобайнида Чуст ва Янгиқўрғон туман почта алоқаси тармоғининг Варзук ва Исканот алоқа бўлимларида хабарчи бўлиб ишлаган ва айна дамда кексалик гаштини сураётган Умурзоқ Бойматов ва Топволди Мадраҳимовлар Президентимизнинг қарияларга кўрсатаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун беҳад миннатдор эканликларини изҳор қилишди. Юртимиздаги тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш, муҳдиш уруш азоб-уқубатларининг тақдорланишига йўл қўймаслик, ёшлар онгига фашизм, миллатчилик каби иллатларга нафрат туйғусини кучайтириш тўғрисида гапириб, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлишини тилаб дуо қилдилар.

Улугбек МАМАТОВ,
"Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиали ПАТЭБ бошлиғи

Почтовому сервису uMail.uz исполнилось 2 года

По данным Центра UZINFOCOM исполнилось два года со дня запуска сервиса электронной почты uMail.uz. За два года создано более 191 тысячи почтовых ящиков, что говорит о популярности данного сервиса.



По мнению создателей, почтовая служба uMail.uz имеет следующие плюсы:

Находится в сети обмена трафиком TASP-IX, поэтому доступ к ней не тарифицируется, для многих пользователей это важно. Можно воспользоваться хитростью: письма с "внешних" почтовых служб перенаправлять на uMail, тем самым экономя трафик.

Имеет интерфейс на двух языках, это важно для пользователей, желающих видеть служебные команды на родном языке. Переводили термины на узбекский язык на uForum'e, обсуждая и уточняя каждое слово со специалистами филологами.

Большой подарок получили пользователи почтового сервиса к 23-й годовщине Независимости Узбекистана — размер ящика был увеличен до 10 Гб. Это немалый объем — можно хранить сотни тысяч писем с документами или сотни писем с фотографиями — то есть, использовать как хранилище. Объем одного письма ограничен 20 Мб (откроем тайну, письма объемом 25 Мб и больше, тоже отправляются и получаются).

Почтовый сервис имеет три варианта: мобильный, планшетный и расширенный — в зависимости от вашего устройства, с которого вы выходите в интернет.

Много удобных настроек: можно создавать папки (в том числе и вложенные), можно настраивать фильтры для автоматической сортировки писем, отсекают нежелательные письма или пересылать письма, отобранные по какому-либо критерию. Это помогает при плотной работе с обильной корреспонденцией.

Можно получать письма на почтовые клиенты, установленные на компьютерах (Outlook, The BAT!, Thunderbird), но это наследие времен Dial Up, сейчас можно комфортно работать с письмами на сервере через веб-интерфейс.

Предусмотрена антивирусная защита вложений и антиспамовые фильтры. Но надо помнить, что если вы оставляете адрес ящика в явном виде на форумах, сайтах и в соцсетях, то фильтры могут не сдержать обилие спама. То есть, надо еще и самим заботиться о безопасности своей почты.

В лидерах на первом месте — "Представление данных по внешнеторговым контрактам в Единую электронную информационную систему внешнеторговых операций (ЕЭИСВО)" — 101 877 количество обращений.

Десятка лидеров популярных услуг на Едином портале

- на втором месте "Рассмотрение обращений" — 59 620
 - на третьем месте "Онлайн подача заявления на регистрацию субъектов предпринимательства без образования юридического лица" — 19 676
 - на четвертом месте "Акт сверки по таможенным платежам" — 5 231
 - на пятом месте "Выдача справок об отсутствии (наличии) судимости" — 4 439
 - на шестом месте "Онлайн подача заявления на регистрацию субъектов предпринимательства с образованием юридического лица (ООО)" — 3 831
 - на седьмом месте "Подача электронной заявки на приобретение автотранспортных средств производства ЗАО "GM-Uzbekistan" для нужд субъектов предпринимательства" — 1 782
 - на восьмом месте "Отправить резюме" — 1 619
 - на девятом месте "Выдача архивных справок о подтверждении стажа работы" — 1 480
 - на десятом месте "Выдача архивных справок о подтверждении заработной платы" — 937
- Вся статистика абсолютно прозрачна и доступна на Едином портале по адресу my.gov.uz

Браузер VMAXX разработан и сертифицирован в Узбекистане

Программист из ООО "Voice Interactive" Абдувалиев Тимур Андреевич разработал браузер VMAXX. Vmaxx — это простой, быстрый и безопасный веб-браузер для современного Интернета, разработанный на основе браузера Google Chrome.

Функциональными возможностями браузера являются понятный пользовательский интерфейс, предоставление безопасного выхода в Интернет, быстрый запуск, быстрая загрузка страницы, веб-приложения, игры, быстрый поиск и навигация и др.

Автору данного браузера выдано свидетельство № DGU 03079.

ПОМНИМ И ГОРДИМСЯ

Подвиг, ДОЛГ, СТОЙКОСТЬ

8 мая 2015 года в Центре обеспечения информационной безопасности было проведено праздничное мероприятие под названием "Подвиг, долг, стойкость" ко дню памяти и почестей. В рамках мероприятия была организована встреча с участником Второй мировой войны, ветераном Тихоокеанского военно-морского флота, заслуженным работником культуры Республики Узбекистан Георгием Любимовым.

Георгий Фёдорович, поделился с сотрудниками Центра своими воспоминаниями о страшных реалиях войны и призвал нынешнее поколение дорожить сегодняшним мирным небом над головой. А также, ценить и достойно воспользоваться всеми возможностями, создающимися в нашей стране на сегодняшний день.

Данное мероприятие было организовано в целях чествования и тех людей, которые мужественно сражались против фашизма, и тех, кто усердно трудился в тылу для общей победы.

Информационная служба
Центра обеспечения информационной безопасности

ИКТ позволили сэкономить 22 млрд. сум на госзакупках

На заседания правления АО "УзРТСБ" подведены итоги работы биржи за первый квартал 2015 года.

По итогам первого квартала, объем электронных торгов по государственному закупкам в системе D-xarid увеличился на 18,6% и составил 78,3 млрд. сумов, при этом экономия бюджетных средств — 22 млрд. сум, что на 22,5% больше по сравнению с аналогичным периодом в 2014 году.

Банки увеличат число расчетных терминалов

Количество терминалов для расчета банковскими картами на объектах розничной торговли и сферы услуг Узбекистана до конца текущего года будет увеличено до 180 тысяч единиц, сообщает Газета.uz

Расширение системы безналичных расчетов предусмотрено постановлением Президента от 6 мая "О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости коммерческих банков и развитию их ресурсной базы".

В настоящее время терминалами для обслуживания пластиковых карт оснащены более 163 тысяч предприятий розничной торговли и услуг.

Анонс

21-22 мая на базе Ташкентского университета информационных технологий состоится Международная научно-техническая конференция "Радиоэлектроника, информационные и телекоммуникационные технологии: проблемы и перспективы развития".



Хабар + TV

О‘ЗBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар астури.
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
7.00 Кушлар ҳаёти. Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар вна қайтди".
8.00 Тахлилнома.
8.40 "Усимликлар ҳаёти". Х/ф.
9.30 "Рўхшўнос". Т/с.
10.10 "Иқлим".
10.20 "Вағанпарвар".
11.00 "Аҳборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 Ассалом, Ўзбекистон!
13.00 "Марпал хоним". Т/с.
14.00 "Аҳборот".
14.15 "Хидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Сержантлар".
15.15 "Табият мўъжизаси". Х/ф.
15.30 "Иқлим".
15.45 Таҳлил - 24".
16.00 "Аҳборот".
17.00 "Аҳборот".
17.10 "Судхатолиғи".
17.20 "Қорачиқ".
17.30 "Агроолам".
18.00 "Иқлим".
18.05 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.30 "Иқлим".
19.05 "Икмоният".
19.25, 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Аҳборот" рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Аҳборот".
21.40 "Муносибат".
22.25 - 23.10 "Доктор Хаус". Т/с.
23.10 "Вағанпарвар".
00.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Агроолам".
1.00 "Аҳборот" рус/.
1.15 Миллий сериал: "Сержантлар".
2.10 "Шарқ тароналари".
2.15 "Иқлим".
2.20 ТелеТест: "Улдин, азиз бўлинг" 1-қисм.
3.00 Ассалом, Ўзбекистон!
4.00 "Аҳборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар вна қайтди".
5.10 Таҳлил - 24".
5.25 - 5.55 "Қўриққонанинг тўрт фасли".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 Тараннум.
6.50 "Музёвлар юрти".
7.00 "Қўриққоқ", Б/ф.
7.50 "Ешиклар наволари".
8.10 "Изабелла". Т/с.
9.30 "Афсона ва ҳақиқат".
9.50 "LizEx".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Қайтар дунё". Т/с.
10.10 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Доктор Қуниин". Т/с.
12.50 "LizEx".
13.00 "Давр".
13.10 "Қалитан Хориблауэр". Б/ф. 6-қисм.
14.30 "Қорақалпоқ ёшлари".
15.10 "Давр, гавҳари".
15.50 "LizEx".
16.00 "Давр".
16.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Соғлом ҳаёт".
17.30 "Мингта сўз". Б/ф.
18.50 "Телерафа".
19.00 "Давр".
19.30 "Ўқишчи оила". Т/с.
20.20 "Буёқ юрт фарандлари".
20.50 "Ешик наволари".
21.10 "Сенга ошиқман". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Урғакта саҳнат". Б/ф.

ДУШАНБА 18 МАЙ

00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
00.40 "Мўъжизавий дунё".
1.40 "Қалпоқ", Ҳажий.
2.00 "Мингта сўз". Б/ф.
3.20 "Қизлар мактаби".
3.50 "Қалитан Хориблауэр". Б/ф. 6-қисм.
5.30-6.00 "Давр".


TOSHKENT

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Роғдат".
6.20 Миллий сериал: "Жийда гули".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Роғдат-эроп".
10.20 "Хорошан жена". Т/с.
11.15 "Сокровища Трои". Х/ф. 1-қисм.
13.15 "Дилбанди" тележурнали.
13.45 "Роғдат-герога".
14.15 "Земля, сплотившая сердца".
14.30 "Роғдат-biznes".
15.10 Тақдирлар.
15.40 "Пошта-эроп".
15.50 "Роғдат-эроп".
16.15 "Мўъжизалар мамлаката". Б/ф.
17.55 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Химов".
18.35 "Мобильная камера".
18.50 "Роғдат-интегу".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Уч иттиру".
21.10 "Пошта-вулдураги".
21.35 "Роғдат-эко".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Тайни следи Озиг". Х/ф.
00.05 "Профессионал".
00.25 "Роғдат-Hi-tech".
00.35 "Сайёр камари".
1.00 "Роғдат-эко".
1.10 "Хорошан жена". Т/с.
1.50 "Роғдат-biznes".
2.10 "Мовий капалат". Б/ф.
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 АНОНС.
6.30 "Ордулар кемаси".
6.55 АНОНС.
7.00 "SPORT-ONLINE".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Sport Meteo".
8.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
10.15 АНОНС.
10.20 "Шоҳрутага йўл".
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Авто-мотоспорт.
11.85 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-ONLINE".
13.00 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 ХОККЕЙ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ.
15.50 АНОНС.
15.55 Теннис. АТР/ВТА турнири.
17.15 АНОНС.
17.20 Спорт. Халқаро турнир.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Спорт сайёраси.
18.25 "Техноспорт".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.


18.55 "Боллар спорти".
19.20 АНОНС.
19.25 Байдарка ва каноз. Жаҳон кубоги.
20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.35 "Футбол шарҳи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Meteo".
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
22.15 АНОНС.
23.20 "Манчестер Юнайтед юдузлари". Хужжатли фильм.
23.40 "Техноспорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 ИНТЕРФУТБОЛ.
3.05 Авто-мотоспорт.
3.50 Спорт. Халқаро турнир.
4.40-6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.



04.00 Телеканал "Доброес утро"
07.00 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
Новости
07.05 "Поле чудес"
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Модный приговор
10.30 Фанза
11.15 Т/с "Время для двоих"
13.00 Смак
14.00, 14.20 "Время покажет"
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
21.30 Т/с "Слава"
21.55 "Вечерний Ургант"
22.50 "Полюэр"
23.50 Ночные новости
00.05 "Наедине со всеми"
01.00 "Время покажет"

РОССИЯ 1

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
09.55 "Со самом главном". Ток-шоу.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайны следствия".
12.55 "Особый случай".
14.50, 04.45 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Последний инчабар".
16.00 "Загада судьбы"
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.00 Т/с "Цветок папоротника".
22.50, 02.50 "Две жизни маршала Худукова".
23.50 "Илья Старинов. Личный враг Гитлера".
00.55 Т/с "Я ем верую".




05.00 "Кофе с молоком"
08.10 "Солнечно. Без осадков"
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Состояни
09.20 Т/с "Возвращение Мухомара"
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 "Все будет хорошо!"


14.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
17.00 "Говорим и показываем"
18.40 Т/с "Черная река"
20.30 Т/с "Ментские войны"
22.20 "Анатомия дня"
23.00 Т/с "Операция "Албани"
00.50 "Слет в СССР"
01.50 Дикая мир
02.05 Т/с "Операция "Кукловод"

РОССИЯ K

07.00 "Евроноьюс"
10.00, 15.00, 19.00, 23.25 Новости культуры
10.15 "Наблюдатель"
11.15 Т/с "Расследования комиссара Мегра"
12.05, 02.40 Д/ф "Вальпарайсо"
12.20 Д/ф "Русский Пьеро"
13.05 Личная жизнь. Светлана Захарова
14.00, 01.40 Х/ф "Четыре танкиста и собака"
15.10 "Михаил Булгаков"
15.35 Х/ф "Достоевие республики"
17.50 XIV Московский Пасхальный фестиваль.
18.30, 01.15 Д/с "Запечатленное время"
19.15 Главная роль
19.30 "Сати. Нескучная классика"
20.10 "Спокойной ночи, малыши!"
20.25 "Правила жизни"
20.55 "Тех временем"
21.45 Д/ф "Сестры-близнецы"
23.45 Д/ф "Вобан. Пот сберегает кров. Строитель и полковник"



07.00 Мультисериал
09.00 "Галилео"
10.00 "Алладин" Мультисериал
10.30 "Мирогити" Драмали
11.30 "Последний из Магикки"
12.30 "Папа на вырост" Ситком
13.30 "Нереальная история"
14.30 19.05 "Ералаш"
15.30 Шоу "Уральские пельмени". Корпоратив моров. Часть 1
17.00 "Как разобраться с делами"
19.30 "Нереальная история"
20.00 "Дело смерти красина"
21.00 "Принц Сибири" Авантюризм комедия
22.00 "Скорый "Москва-Россия" Комедия, Россия, 2014 г.
23.35 "6 кадров"
00.00 "Триум" Фантастический сериал



06.00 Мультифильм
09.30 Д/с "Тайны Библии раскрыты"
12.30 Д/с "Городские легенды"
15.00 Д/с "Громкие дела"
16.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
16.00, 16.30 Д/ф "Галака"
17.00, 17.30 Т/с "Слепая"
18.00, 01.30 Х-версии. Другие новости.
18.30 Т/с "Пятая стража"
19.30, 20.25 Т/с "Обмани меня"
21.15, 22.10 Т/с "Черный список"
23.00 Х/ф "Эпидемия"
02.00 Х/ф "Городок Семетри"
04.00, 04.45 Т/с "Госпиталь "Королевство"
05.30 Т/с "Без свидетелей"

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Қўшлар ҳаёти". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қадридонлар яна қайтди".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Қоинот". Х/ф.
9.30 "Рухиёнон". Т/с.
10.00 "Атросола".
10.30 "Субботашо".
10.40 "Қорғич".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
12.30 "Марш хоним". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қўрағонларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Сержантлар".
15.10 "Табит мўжизаси". Х/ф.
15.25 "Иқлим".
15.40 "Иқмоният".
16.00 Тезкор хабарлар.
16.10 "Қўнғи ободлати".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Бир жиноят изидан".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Электр нурали". Х/ф.
17.40 Қўнғириқ бирда.
17.45 "Қорғич ҳаёти".
18.10 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
18.50 "Иқлим".
19.05 2015 йил - "Кексаларни ёқоладим йил".
19.25 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
20.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Муқаддас ришталар". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Устурлаб".
22.00 "245 "Доктор Хаус". Т/с.
22.45 "Қўнғи ободлати".
23.05 "Қўрағонларимиз ҳақида".
23.35 "Эъло".
23.55 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
00.40 "Қайиғ гул бу эъло".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Сержантлар".
2.00 "Шарқ тароналари".
2.15 "Иқлим".
2.20 ТелТеатр: "Удинин, аиз булдин". 2-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
4.00 "Ахборот".
4.30 Миллий сериал: "Қадридонлар яна қайтди".
5.10 "Иқлим".
5.20 "Қўнғириқ бирда".
5.35 - 5.55 "Устурлаб".

00.40 "Муъжизалий дунё".
1.40 "Қорақалпоқ ешлари".
2.00 "Нобелет қарраи". Б/ф.
3.20 "Муқаддас серри".
3.30 "Ой бўлини".
3.50 "Қалитан Хорнблауэр". Б/ф. 7-қисм.
5.30-6.00 "Давр".

TOSHKENT

5.55 "Ягонаси, муқаддас Ватаним".
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Роғат".
6.20 Миллий сериал: "Жийда гули".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Роғат-интегүү".
10.20 "Хорошая жена". Т/с.
11.15 "Сокровища Трон". Х/ф. 2-қисм.
13.15 "Дастур асосида".
13.45 "Роғат-интегүү".
14.15 "Мобил камера".
14.35 "Эртаним ағдади".
14.45 "Роғат-biznes".
15.10 "Ҷу аттирғу". Т/с.
15.50 "Роғат-спрт".
16.15 "Фидоий аёл". Б/ф.
17.55 "Ишти марҳамат".
18.20 "Саломат бўлиш".
18.50 "Журинали".
18.50 "Пошта-култура".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
20.20 "Ҷу аттирғу". Т/с.
21.10 "Телетахдид".
21.35 "Роғат-madaniyat".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Приветствие". Х/ф.
06.30 Тақдирлар.
1.00 "Роғат-madaniyat".
1.10 "Хорошая жена". Т/с.
1.50 "Роғат-biznes".
2.10 "Муъжизалий мамлакат".
3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Авто-мотоспорт.
6.55 АНОНС.
7.00 "SPORT-ONLINE".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Sport Metro".
8.15 Футзал, Ўзбекистон чемпионати.
9.35 АНОНС.
9.40 "Этироф".
9.50 АНОНС.
9.55 Енгил атлетика Бриллинт янги.
10.55 АНОНС.
11.00 "SPORT REPORT".
11.10 Велопея Жири Д'Италия.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-ONLINE".
13.00 АНОНС.
13.05 "Футбол шарҳи".
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 ИНТЕРФУТБОЛ.
16.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.
17.10 "Биласини".
17.15 Қилибозлик. Гран при турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Спорт сайёриси".
18.20 "Техноспорт".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.35 "Sport Metro".
18.55 "Ифтихоримсан, спорт!".
19.10 Байдарка ва каноз. Жаҳон кубоги.
20.10 "Осиё футболни".
20.30 "SPORT-МАРКЕТ".
20.35 Енгил атлетика. Бриллинт

лиги.
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 "Sport Metro".
21.55 Футзал, Ўзбекистон чемпионати.
23.15 АНОНС.
23.20 "Манчестер Юнайтед қозулари". Хужжатли фильм.
23.40 "Техноспорт".
23.45 АНОНС.
23.50 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Тоқмақд ВТФ. Жаҳон чемпионати.
1.10 АНОНС.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.40 Баскетбол.
2.50 Байдарка ва каноз. Жаҳон кубоги.
3.55 Велопея Жири Д'Италия.
4.40 АНОНС.
4.50 -6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
Новости
07.05 "Пусть говорят"
08.10 Контрольная закупка
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Модный приговор
10.30 Факела
11.15 Т/С "Время для двоих"
13.00 Смак
13.40, 14.20 "Время покажет"
13.45 "Музыкал Жиснес"
16.10 "Наедине со всеми"
17.00 Вечерние новости
"ТЕКВАТ" жорий йилнинг 22 апрелида "Ҳисоблаш техникаси воситаларига марказлашган комплекс хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш" йўналиши бўйича рўйхатга олинган бўлиб, Бекобод тумани ва шаҳрида жойлашган корхона, ташкилот ва таълим муассасаларига ахборот технологиялари воситаларининг ишчи ҳолатини таъминлаш юзасидан шартнома асосида хизмат кўрсатишни. Ундан ташқари, фирма мутахассислари томонидан таркибида ярим ўтказувчи элементлар, резистор, конденсатор, индуктив элементлар, махсус дастурлар билан ишлайдиган замонавий микропроцессорли қурилмаларни ҳам таъмирлаб, ишчи ҳолатини тиклаш ва уларни тақомиллаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Корхона директори Сайдулла Жўраев радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари магистри даражасидаги, телерадио электрон қурилмаларга хизмат кўрсатиш соҳасида ўн икки йиллик тажрибага эга мутахассис. У 2005 йили Тошкент ахборот технологиялари университетининг радиотехника факултетини тамомлаб, дастлабки фаолиятини ярим ўтказувчи элементларни ишлаб чиқарувчи "ФОТОН" ОАЖда радиоэлектрончилик вазифасида бошлади. 2007 йили "Ўзметкомбинат" АИБ Ахборот-коммуникация технологиялари бошқарувида электрончи, сўнг технологик жараёнларнинг автоматлашган тизими бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Иш фаолияти давомида объектлар ҳароратини масофадан назорат қилувчи ҳамда электр кучланиши ўзгаришидан аппаратларни ҳимоя қилувчи иккита қурилма ихтиро қилди. Янгиланган уч Сайдулла ТАТУ магистратура босқичига ўқишга кириб, радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари йўналишида таълим олди. 2010 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан эълон қилинган танловда устози, ТАТУ профессори Қаҳҳор Абдурахмонов раҳбарлиги остида "Электр кучланишининг кескин ўзгаришидан ҳимоя қилувчи аппаратларни яратиш" мавзусидаги илмий лойиҳаси билан иштирок этди. ЎзААА Бош директорининг буйруғи билан молиявий ҳажми 40590000 сўмлик ушбу лойиҳа амалга оширилиши лозим деб топилгани ёш мутахассисни янада илҳомлантириб юборди. Магистрлик даражасини қўлга киритгач, "Электр занжирлари назарияси" кафедрасида ассистент вазифасида ишлаш билан бирга, илмий иш билан ҳам шуғулланди. Талабаларга сабоқ беришдан ташқари, юқорида номи тилга олинган илмий лойиҳани техника фанлари док-

“ Корхона аҳолига, соҳа ташкилот ва муассасаларига фойдаланиш учун зарур бўладиган қурилмаларнинг тажриба намуналарини яратиш, кичик ишлаб чиқариш билан шуғулланишни ҳам мақсад қилган. ”

тор, профессор Қаҳҳор Абдурахмонов раҳбарлиги остида охирига етказди.

— Инсон қарда яшамасин, қанчалар муваффақиятга эришмасин, киндик қони тўқилган гўша ўзига тортиб тураверар экан, — дейди Сайдулла Жўраев. — Туғилиб ўсган туманимда ахборот технологиялари, радиоэлектроника ва телекоммуникация соҳаларида фойдаланиладиган аппаратларга хизмат кўрсатувчи ташкилот йўқлиги ва ушбу йўналишдаги муаммолар бошқа туман ва вилоят тадбиркорлари томонидан бартараф этилаётгани оиламиз аъзоларини ўйлантириб турарди. Дарвоқе, отам Абдурахмон Жўраев узоқ йиллардан бери Зафар телекоммуникациялар боғламасида бош муҳандис бўлиб ишлайди, телерадио электрон қурилмаларга хизмат кўрсатиш соҳасида 25 йиллик тажрибага эга, укам Нуриддин ҳам алоқачи-муҳандис. Туманимиздаги вазиятни ҳисобга олган отам бундан икки йил аввал корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи "Axborot texnologiyalari va teleradio elektron kommunikatsiya" масъулияти чекланган жамиятини тузиб, бизни ҳам жалб этган эди. "ТЕКВАТ" оилавий корхонаси ташкил топишида ўша жамият асос бўлиб хизмат қилди, десам хато бўлмайди. Бугунги кунда отам маъражадорлик вазифасини зиммасига олган, у кишининг йиллар давомида тўплаган билим-тажрибаси ишни бехато юритишда қўл келяпти. Укам Нуриддинга эса дастурчилик вазифаси топирилган.

Уч нафар алоқачининг сазй-ҳаракатлари билан бугунги кунда тумандаги таълим, фан ва маданият муассасалари, Халқ банки "Зафар" филиали, туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати, Муסיқа ва санъат мактаби, Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, юқумли касалликлар шифохонаси каби ўнлаб ташкилотлар билан шартномалар тузилган.

"ТЕКВАТ" оилавий корхонаси алоқачилари нафақат Бекобод тумани, балки келажакда вилоят миқёсида хизмат кўрсатишни режалаштиришган. Бунинг учун уларда имконият ҳам, билим ҳам етарли.

“ "ТЕКВАТ" оилавий корхонаси алоқачилари нафақат Бекобод тумани, балки келажакда вилоят миқёсида хизмат кўрсатишни режалаштиришган. Бунинг учун уларда имконият ҳам, билим ҳам етарли. ”

Муборак МИРКАМОЛОВА

● Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

"KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS" МЧЖ мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

2015 йил 16 июн кунини соат 11.00да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш Бош бошқармаси Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасининг 2015 йил 30 апрелдаги 122-буйрутмасига асосан бошқарма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 98 930 600 (Тўқсон саккиз миллион тўққиз юз ўттиз минг олти юз) сўм бўлган, чинор дарахти гўласидан олинган жами 170,57 м3 дан иборат ёғоч тахталари мусажжам ҳолда қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 15 июн кунига қадар соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади (13.00дан 14.00гача тушлик).

2015 йил 16 июн кунинида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2015 йил 23 июн кунини соат 11.00да ташкил қилинади.

2015 йил 23 июн кунинида савдо учун буюртманомалар 2015 йил 22 июн кунига қадар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади (13.00дан 14.00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган

талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закатлат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закатлат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закатлат тўлови учун реквизитлар: "KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS" МЧЖ, х/р: 20208000005028108001, АТ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун:

"Аукцион ташкилотчиси" — "KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS" МЧЖ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: (0-371) 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома № 006263.

Рўйхатга олувчи янги ташкилотлар учун танлов эълон қилинди

Миллий доменимизнинг 20 ёшга тўлгани муносабати билан UZ доменини рўйхатдан ўтказишни хоҳловчилар учун ушбу ҳуқуқни олиш имконияти пайдо бўлди.

Айни вақтда UZ домен номларини рўйхатга олувчи ташкилотлар сони 15та бўлиб, улардан олтитаси Тошкент шаҳрида фаолият юритса, қолганлари республикаимиз вилоятларида жойлашган Компютерлаштириш марказлари ҳисобланади.

UZ домен ҳудуди маъмури UZINFOCOM маркази домен номини рўйхатга олувчи янги ташкилотлар танловини эълон қилди.

Ўзбекистон резидентлари ва юридик шахслар UZINFOCOM маркази билан тегишли шартнома имзолаган ҳолда доменларини рўйхатдан ўтказиш имкониятига эгалар.

...У энди етим. Чин етим. Тириклик учун ишлаш, нон топиш керак. Қаерга борса экан? Ким уни қўллайди? Фарғона шахридаги радиоузелга боради. Боласан, ҳали 13га ҳам тўлмабсан-ку, дейишса нима қилади? Таваккал қилишдан ўзга чора йўқ. Қўрқа-писа эшикни тақиллатди. Кираверинг, деган овоздан сўнг аста ичкари йўналди.

Нима дейсиз? Ўтирганлар ичида фақат битга ўзбек — Фаёз Файзиев бор эди. Шу одам нима деса шу деган ҳаёлда унга қарадим. У ҳам менга қараб турарди. Кўзларидан "Хўп деяринг" деган маънони уқдим. Қисқаси, "Ўрганиб кетасиз" дейишиб, омад тилашди. Кейинчалик узоқ йиллар бирга ишладик. Раҳматли ус-

Бир сўз билан айтганда, Файзиев биз учун тенгсиз ибрат намунаси эди. Биз, кўплаб шогирдлари унинг изидан боришга интилдик.

Ибрат намунаси эди

— Хўш, хизмат, болажон!
Бу илиқ овоз уни тетиклангирди. "Мени ишга олинг, ишлагим келяпти..." Бошлиқ унга узоқ тикилиб қолди. Сўнг бир кутиниб олди, ёшени ҳам сўрамади.

— Майли, эртага кел, сенга иш ўргатишади... ("Бу бола асл инсон бўлади. Кўрасизлар, мени айтди дерсизлар" башорат қилган экан бошлиқ Роговский ўшанда).

— Раҳмат! Уша дамдаги кичкина Фаёзнинг қувончи еру кўкка сигмаган эди. У бу воқеани бир умр яқинларига сўзлаб, Михаил Брониславовични дуо қилиб юрди. Ваҳоланки, унинг ойлиги баъзан бир бурда, баъзан бир буханка нон бўлган. Фарғонадан Қўчқорчи томонга сим тортган, гавдасида монтерлик белбоғи жуда беўхшов турадиган "радиот болакай"ни ҳамма яхши кўрар, эркаларди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида болалар ана шу тарзда эрта улғайганлар. Нозик елкасига катталар юкни ололган болакайдан забардаст алоқачи етишиб чиқди. Кўп ўтмасдан бу инсон исми жисмига муносиб "эл-юртага файз бағишловчи, саховатли, карамли, ҳалол касби кориди элга баҳра, қувонч келтирувчи фазл соҳиби Фаёз Файзиев бўлиб танилди. Уни барча алоқачилар "УСТОЗ" дея эҳтиромлайдиган бўлишди.

— Ишни дарвозахонадаги қорувлар билан самимий салом-алиқдан бошлар, у монтерми, хабарчим, раҳбарми — барчага меҳр, илтифот билан қарарди. Одамларга меҳрсизлик билан муносабатни асло ўзига эп кўрмасди, — эслайди фахрий, устоз алоқачилардан бири Нўмон ота Каримов. — Хузурига ким келса ҳам уч қадам олдига юриб қарши олар, имкон қадар ишини битириб берар, мабодо иши битмай қолган бўлса ҳам келган одам мамнун, хуш кайфиятда чиқиб кетарди. Кечагидай ёдимда. Учкўприкда радиотехник бўлиб ишлардим. Марказга, радиотехниклар-



нинг долзарб масалалар буйича йиғилишига қақриб қолишди. Якунида директор Роговский кимда таклиф-мулоҳаза бўлса, марҳамат, деди. Ёш, айни ерга урса кўкка сапчийдиган паллада эдим. "Менда бор. Сарикўрғонда икки кун радиоузел ишламади. Одамлар шунча вақт ахборотсиз қолишди. Техник ёрдам кечкиб борди", деб юбордим. Уша йилларда телевизори бўлган оилалар жуда кам, мамлакатда ва жаҳонда бўлаётган ахборотлар асосан радиоузатгичлардан тарқатилар, қарийб барча хонадонларда радионўқталар бўларди. Хуллас, масала муҳокама қилинди. Аммо, йиғилиш якунида ҳамма тарқалар экан "Сиз қолинг, Каримов" деган овоздан юрагим шиг этиб кетди. "Тамом, энди ризқингни бошқа жойдан кидирасан, дедим ўзимга ўзим. — Танқидга бало бормиди. Тинчгина келиб кетаверсанг бўлмасми-я". Иттифоқо бутунлай ўйламаган иш бўлди. "Фрунзе тумани (ҳозирги Данғара) алоқа идорасига бошлиқ вазифасига қўйсақ.

тозимиз шундай меҳри дарё алоқачи эди.

Шукр, бизлар у киши раҳбарлар учун йўлга қўйган чиройли анъаналарга содиқ қолдик. Уларга фахрийликка чиққунча қатъий риоя этдик ва бу анъаналар давом этаётганидан мамнунмиз ва бардавом бўлишидан умидвормиз.

Фаёз Исаевич Учкўприк туман алоқа идорасига бошлиқ этиб тайинланганда ҳали 20га ҳам кирмаган эди. Уч йилдан сўнг Марғилон алоқа идорасини бошқарди. Москвада алоқа бошқармалари раҳбарларини тайёрловчи махсус курсда ўқиб қайтгач, вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаш бошлади. Сўнг Андижон вилояти алоқа бошқармасини бошқарди. У ерда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси раиси этиб тайинланганга қадар ишлади. Кейинроқ Фарғона вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи сифатида 15 йил самарали меҳнат қилди. Фарғона махсус алоқа идораси раҳбарлигида икки йил фаолият кўрсатди. Жами 52 йилдан ортиқроқ хизмат қилди. Ўнлаб ордон ва медаллар соҳиби бўлди. Фронт ортидаги меҳнатлари ҳам муносиб тақдирланди. Истиқлол йилларида ҳам баракали меҳнати билан донг таратди. Ватаннинг юксак эътиро-

фи — "Шухрат" медали билан мукофотланди.

Ўрни келганда Файзиевнинг яна бир фазилати — ўта оилапарварлиги ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

— У оиласига, рафикасига чексиз меҳр қўйган, садоқатли умр йўлдош, ажойиб ота эди, — хотирлайди устоз алоқачилардан яна бири Сотволди ота Каримов. — Давлат берган кампаргина уйи бўларди. Мен Файзиев билан 30 йил ишлаган бўлсам, бойлик ортирай, деганини кўрмадим. Фақат касби корини ҳаётининг мазмуни, кечирган умрининг хазинаси деб билди. Тамарахон ая иккиси учун шу уй бахт қасри, саодат қасри эди. Бир нарса аниқ, улар бир-бирларининг бахтида ўз бахтини кўрадилар, дея ҳавасланардик.

Икки фарзанд, саккиз невара, икки чевара иқболдан қувониб яшаётган 84 ёшли Тамарахон опа Дадабоева билан ҳам телефон орқали суҳбатлашдик.

— Бўлмасам-чи, — дейди онахон. — Ҳаётнинг бутун безаги оилавий бахтда, тотувликда. Биз салкам ярим аср рўзгор қилдик. Ҳар кунимиз ўзига яраша тароватли, ёқимли кечган. Ишдан ҳориб келганларида "Фаёз Исаевич, ишлаб чарчамай келдингизми?" дея кутиб олар, дарҳол дастурхон ёзиб, иссиқ овқат келтирардим. Файзиев бўлса, Тамара Сотволдиевна, кир-чир, пишир-куйдир, мактаб, боғча сизни толиқтириб қўймадим, деб сўрасалар шунинг ўзи қифоя — қийналганларим бир зумда унут бўлиб кетарди. Ҳамшира эдим. Мен ҳам қирқ йил шифохоналарда ишлаганман. Рўзгор ишига ҳам, давлат ишига ҳам чечан эдим. Лекин қисмат экан, турмуш ўртоғим касалхонада юрак хуружидан вафот этди. Охиратлари обод бўлсин...

Тамара ая шундай ажойиб инсоннинг меҳр-этибори ва ҳурматига сазовор ўтган йиллар билан фахрланади ва набираларига Файзиевларга хос яхшилик ва эзгуликдан сабоқ беради.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

Хизмат

Кимни ўзининг бахтидан бахт топса,
у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.



АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Яқинда "Туркистон" саройида Кексаларни эъозлаш йили ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган "Авлодлар учрашуви" ўтказилди.

Учрашув олдидан унинг иштирокчилари "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар ва Миробод тумани Кенгашлари саъй-ҳаракатлари ила ташкил этилган фото кўргазмини ҳам катта қизиқш билан томоша қилдилар.

Учрашув тантанасида Тошкент шаҳар "Нуроний" жамғармаси кенгаши раисининг ўринбосари Ўткирбек Ерматов фашизм устидан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллигида барча миллат вакиллари сингари Ўзбекистон халоскорларининг мардликлари, иқтисодий қийинчилик йилларида армия жангчиларига озик-овқат ва кийим-кечак йўллаган халқимизнинг матонати ҳақида маъруза қилди.

Учрашувда уруш жангдошларида мардонаворлик кўрсатган фахрийларга совғалар улашилди.

Тошкент шаҳар "Нуроний" жамғармаси маслаҳатчиси Исмаилов Умаров ва жамғарма Миробод тумани раиси Ботир Усмоновлар ташаббускорлигида уюштирилган учрашувга республика мумтоз ва эстрада санъати хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар хушкайфият ҳаля этди.

Ғайрат ШУКУРОВ, журналист

Минг тўққиз юзу қирқ иккинчи йилнинг унутилмас кунларидан бири. Душман еру кўкдан ҳамла қилмоқда. Жангчилар анча талвасага тушиб қолган. Аммо даҳшатли беллашувда улар бўш келишаётгани йўқ. Саноқсиз снарядларнинг портлаши, нишонга олинган қирувчи самолётларнинг чийиллаб ерга кулаши, дайди ўқ дастидан жон бераётганларнинг кўрқинчли ноласи сабаб тўс-тўполон остида қолган замин бағри зиркирамоқда...

“Қорахат”га кирган жангчи

Жангчи Турсунбой Чориев олов кечаркан, бундай ҳолатларга парво қилмади. Негаки, душманга нафрат ҳисси ботир юракка худди чўдай тафт бериб турарди. Начора, қисмат экан, фронт йўлида қуролдошлари қатори пистирмага дуч келиб қолди. Боз устига қамал майдони ботқоқлик эди. Бу сигналдан жойда ҳаракатланганининг ўзи бир азоб. Душман ўқи эса ёмғирдай ёғилмоқда. Қўлдаги қуролни ишлатиб қаршилиқ кўрсатишнинг асло иложи йўқ. Турсунбой душман ўқидан кўра, ботқоқлик қаёрида жон бермоқни афзал билди. Кўзини юмиб, бошини қонга бўялган лойкага буркади. Бир дам ботқоқлик бағрида “яшайди”. Лойка ютиб туриш осон эмаслиги билинди. У олдинги қароридан воз кечишга мажбур бўлди. Шунингдан жойидан қаддини кўтаришга уринар экан, “энди бўёғини пешонамдан кўраман”, деб кўйди.

Бошини кўтарганида, ўқ ёмғир тингандай туюлди. Ўзича “қулогим лойкага тўлибди-да”, деб ўйлади. Жон ҳолатда кўзини очган эди, киприкларига мўрчадай ёпишган лойқа қобоғи остини ачиштирди. Турсунбой болаларча “воҳ, кўзим”, деб юборди. Не ажабки, ноласини ўзи эшитди. Тонг ёришиши арафасидаги гира-шира дамда яна кимдир “бардам бўл, бардор, чалканча ётиб ботқоқдан чиқ” дегандай бўлди. “Вожаб, қулогим эшитяпти”. У шундай, дея айтилганидек, ҳаракат қила бошлади. Лой босган шинел ва кўлдаги қурол билан ҳаракат қилиш осон бўлмади. Яшаш учун кураш йўлида қийинчиликка дош берди.

Уни ботқоқлик этагида аёвсиз жангда омон қолган қуролдошлари қуруқликка чиқариб олишди.

— Бахтимизга одам ютмайдиган лойкага дуч келдик, шундай бўлмаганда ҳозир қуришиб турмасдик.

— Тўғри айтасиз, Сафармурод ога, Яратганинг ўзи бизни бир асради.

Улар лойкага ботган ва ботмондай

оғир шинелни кўлтиқлаб ўрмонзор ора-лаб кетишди.

Тонг-саҳарда бошланган тўқнашув чамаси чошгоҳга бориб тинди. Харков шаҳрини душманлардан озод қилиш учун кетган бу вақт не-не алп йигитлар умрига завол бўлди. Фронт йўлида ётганлар орасида жарқўронлик Турсунбой Чориев ҳам бор эди. Саралаш гуруҳи аъзолари уни ҳам чуқур ўра этагига уюлаётган мурдаларга қўшиб юборди. Турсунбой эса “эй, биродарлар, мен тирикман, ахир”, дея олмади. Фақат устига иккинчи ўлган жангчи ташланганда оғриқ зарбидан инграгандай бўлди. Буни зийрак ҳарбий ҳамшира сезиб қолди. Бейхотиёр хизматдаги йигитларни тўхтатиб, ўша жангчини кўмиладиганларга қўшмасликини айтди.

— Тушунсангиз-чи, Елена Дмитриевна, бу ерда тирик одам йўқ?

— Бор, уни зудлик билан бўёққа олинг!

Ҳамшира адашмаганини билгач, бўйдор йигит ўйлашиб қолди. “Наҳотки, шошма-шошарлик қилиб, ҳаётдан озгина илнжи борларни ҳам ўрага ташлаб юбораётган бўлсак-а?” Улар ўз ишларига хушёр ёндаша бошлашди. Оқибатда, яна беш нафар оғир ярадор бўлган жангчи “қаҳрамонларча ҳалок бўлди” деб ёзилган рўйхатга кирмай қолди.

Елена ўзбек ўғли Турсунбойга алоҳида меҳр билан қарай бошлади. Жасур жангчи дала госпиталида нақд ўн кун деганда хушига келди. Энди у оз-оздан тамалди қила бошлади. Ҳамширанинг онасидай меҳрибонлиги оғир жараҳат зарбиши энгишда ўзига хос малҳам бўларди. Аммо у фронтга қайта олмади. Госпиталда ойлаб ётишига тўғри келди. Кўп давом этган даволаниш фурсатлари икки қалбада муҳаббат уруғини ундирди.

Турсунбой ҳаётини сақлаб қолишга сабабчи бўлган ҳамширага дил розини айтмай юрарди. Кунларнинг бирида Елена, қалайсиз, арслоним, уруш тутаса ҳам уйга кетмаяпсиз, деб қолди. Ярим ҳазил

оҳангида айтилган гап Турсунбойнинг ширин туйғуларини жўштириб юборди.

— Еленахоним, Ўзбекистонга сизсиз кетмайман.

Алқисса, улар бир умр қўша қаришга азму қарор қилишди. Турсунбой Чориев Иккинчи жаҳон урушига кўнгилли бўлиб кетган эди. Жангу жадал ичида не-не кунларни кўриб-кечириб, Оққўрғон қишлоғига қаллиғи билан қайтди.

Жангчи туғилиб-ўсган юртига яқинлашганда “ҳозир энажоним рўмолини ёйиб болажоним келди-я!”, дея кутиб олади, деб ўйлаган эди. Начора, отаси Чориевон бобога ҳам, энаси Момосулув момага ҳам фронтга кетган ўғлонни кутиб олиш насиб этмади. Синглиси Обод жудолликка нима сабаб бўлганини айтиб берди.

... Уруш давом этаётган чоғда қишлоқ почтачиси Чориевон бобоникига “қорахат” билан келди. Ота кўргуликка чидай олмади. Унинг йўқлови қишлоқдошларини ҳамдардликка чорлади. Момосулув момонинг марсиялари ҳам йиғилганларни йиғлатди. Айрилиқ иккаласининг ҳам омонатини эртароқ топширишга сабабчи бўлган экан.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, жангчи Турсунбой Чориевнинг қишлоққа кириб келиши ноўрин жўнатилган “қорахат” билан боғлиқ воқеаларни яна бир бор оққўрғонликлар ёдига солди. Начора, улар ўтган ишга саволат, дея Турсунбой ва Еленанинг тўйини бошлаб юборишди. У қишлоқдошларига Елена билан турмуш қуриши сабабларини айтиб берди. Ана шунда “қорахат” келишида озгина ҳақиқат борлигига кўпчилик ишонди. Агар ўшанда Елена зийраклик қилмаганда Турсунбой бу дориломон кунларни кўролмаган бўларди.

Собиқ жангчи Турсунбой Чориев қариб ўттиз йил Жарқўрғон почта алоқаси тармоғининг Канагат алоқа бўлимида хабарчи бўлиб хизмат қилди. Шу тўғриси у нафақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, балки алоқа соҳаси фахрийси сифатида ҳам эл-юрт назаридоғи замондошларимиздан бирига айланган.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент филиали касабаси уюшмаси кўмитасининг барча бошланғич ташкилотларида Хотира ва Кадрлар кўнига тайёр-гарлик кўриш ва ўтказиш бўйича “Жасорат, бурч, матонат” шiori остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Эҳтиром

Режада Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, Ватанимиз истиклолини, турмушимиз ободлигини, халқимизнинг осойишталигини, фаровон ҳаётини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни хотирлаш каби тадбирлар асосий вазифа сифатида белгилаб олинди. “Маънавият соатлари”да барча почта алоқаси тармоқлари ходимлари ўртасида вилоятдаги кексаларни қадрлаш ва эъзозлашга катта эътибор кўрсатиб келинаётгани, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг матонат ва қаҳрамонликлари ҳамда юртимиздаги тинчликнинг қадрига этиш, мамлакатимизни кўз қорачиғидай асраш муҳим эканлиги ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Филиал касабаси уюшмаси кўмитаси бошчилигида почта алоқаси тармоғида ишлаб, нафақатга чиққан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — пискентлик И.Даминов, зангиоталик Х.Йўлчиев, олмалиқлик Е.Шиллер каби кексаларимиз ҳолидан хабар олиниб, касабаси уюшмаси томонидан уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, эсдалик совғалари, иш берувчи ҳисобидан 400000 сўмдан байрам совғалари берилди. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

А.САЛАЕВ,
“Ўзбекистон почтаси”
АЖ Тошкент филиали
КВҚ раиси



Ихтиёрий тиббий суғурта

Унинг қандай афзалликлари бор?

Маълумки, тиббий суғурта кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини оширувчи, аҳоли соғлиғи билан боғлиқ сарф-харажатларни қопловчи самарали воситалардан саналади. Бугунги кунда ушбу суғурта тури мамлакатимизда ҳам ривожланыпти.

Тиббий суғуртанинг мазмун-моҳияти, суғуртанинг ушбу тури бўйича ишлаб чиқилаётган суғурта дастурларининг афзалликларини билиш мақсадида "ALSKOM" суғурта компанияси тиббий суғурталаш бўлими бошлиғи Қахрамон МАСАЛИЕВга муурожаат қилдик:

— Ихтиёрий тиббий суғурта суғурталанувчи учун қандай қулайликлар беради?

— Ихтиёрий тиббий суғуртанинг мазмуни шундан иборатки, бунда суғурталанувчи тўсатдан касал бўлиб, соғлиғига салбий таъсир кўрсатганда, дастурда белгиланган тиббий хизматлар ва суғурта суммаси ҳажми доирасида ҳамкор тиббий муассасаларга муурожаат этиши билан боғлиқ харажатлар компания томонидан қопланади.

Бунда мижознинг саломатлигига бахтсиз ҳодиса, ўткир касаллик ёки сурункали касалликнинг кучайиши каби сабаблар оқибатида зарар етганда тиббий хизматларни олишда юзага келадиган харажатларни ҳам компания ўз зиммасига олади. Ихтиёрий тиббий суғурта жамоавий ёки индивидуал шаклда қилиниши мумкин.

Тиббий суғуртанинг афзаллик томонлари — бу туну кун ишлайдиган маълумот-маслаҳат хизмати, шифокорни уйга чақириш, касаллик бўйича тиббий муассасаларга муурожаат қилиш, шифокор қабулига ёзилиш, шифокор кўрсатмаси асосида дориларни олиш каби масалалар ечимининг осонлаштирилганлигидадир. Шунингдек, ушбу хизмат асосида тез тиббий ёрдам, стационар даволаниш, дори-дармон харажатлари анча арзонга тушади. Чунки, суғурта компанияси содир бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатлар тўлови, яъни қопламасини ўз зиммасига олади.

— Компания ихтиёрий тиббий суғурта тури бўйича тиббий муассасалар билан ҳамкорлик қилишда (шартнома тузишда) нималарга эътибор қаратади?

— Ўз мижозларига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида компания мутахассислари сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишти. Тиббий муассасалар билан ҳамкорлик қилишда тиббий мутахассислар қамрови, тажрибаси, замонавий тиббий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланганлик даражаси, географик жойлашуви каби

омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазифаларни асосан ассистанс компаниялар ўз зиммасига олиб, улар суғурта ташкилоти ва мижозлар манфаатларига хизмат қилувчи барча шарт-шароитларни яратади.

Чунинчи, ассистанс компаниялари суғурталанувчига ўз вақтида тезкор тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, бемор (мижоз) шикоятни хулосасига кўра, уни керакли шифокорга йўналтириш, шифокор буюрган дори-дармонларни дорихонлардан олиши учун қўмақлаштириш (зарур маълумотлар билан таъминлаш) каби хизматларни амалга оширади.

Бугунги кунда компаниямиз ихтиёрий тиббий суғурта хизматлари бўйича республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 250дан ортиқ ихтисослашган республика тиббиёт марказлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шунингдек, стоматология хизматларини кўрсатувчи клиникалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган.

Мижоз улар билан муносабатда бирор муаммога дуч келса, ассистанс ташкилоти ёки суғурта компанияси томонидан ташкил этилган ишонч телефони орқали ўз норозилигини билдириши мумкин.

— Мижоз ассистанс хизматига муурожаат қилмасдан, компаниянинг айни пайтдаги ҳамкори бўлган тиббий муассасасига мустақил равишда бориши мумкинми?

— Йўқ, ихтиёрий тиббий суғурта шартномасига кўра, мижоз дастлаб ўз шикоятлари билан ассистанс хизматига муурожаат (телефон полисида қайд этилади) қилиши, полис дастури ва рақамини айтиши лозим. Шундан сўнг, маслаҳатчи (ассистанс хизмати) йўриғига кўра, бемор тегишли тиббий муассаса ёки дори-хонага йўлланади.

— "ALSKOM" суғурта компаниясида татбиқ этилган ихтиёрий тиббий суғурта хизматлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳозирда компаниямиз томонидан аҳолига ихтиёрий тиббий суғуртанинг бир неча турлари бўйича хизматлар кўрсатилаётир. Бундай хизматлар "Апиплак", "Прополис", "Нектар", "Эликсир", "Иммунитет" каби дастурлар доирасида ишлаб чиқилган.

— Аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, суғуртанинг ушбу тури бўйича келажакда яна қандай янги дастурлар ишлаб чиқиш режалаштириляпти?


— Мижозларимиз талаб ва эҳтиёжларига биноан суғурта дастурлари ва тиббий хизматларига қўшимчалар киритилиб, шифохона ва дорихоналар тармоғи доимий равишда кенгайтирилмоқда. 2014 йилда битте суғурта суммаси доирасида икки киши фойдаланиши мўлжалланган "Оилавий" суғурта дастури татбиқ этилди. Бундай дастур суғурталанувчининг оила аъзоси билан суғурта ҳимоясига олинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан имтиёзли тарифларда кекса ёшдагиларни тиббий суғурта билан таъминлашга қаратилган суғурта дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб бориляпти. Шуниси қувонarliки, кейинги уч йил ичида ихтиёрий тиббий суғурта бўйича тузилган суғурта шартномалари сони 2012 йилга нисбатан 24 мартаба, суғурта мукофотлари тушумлари эса 9 баробарга ўсди. Бу мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишда компания ходимларининг доимий изланишлари, шунингдек, "Global Assist" ҳамда "ESADO" МЧЖ тиббий ассистанс ташкилотлари билан ўрнатилган ҳамкорликнинг самараси, деб ҳисоблаймиз.

Ихтиёрий тиббий суғурта тури компания томонидан амалга татбиқ этилганидан бошлаб суғурталанганлар сони 9320 кишини ташкил этиб, уларга 635,8 млн. сўм суғурта товонлари тўланди. Шулардан 15 фоизи дори-дармон, 35 фоизи стационар хизмат, 30 фоизи турли диагностика текширувлар, 10 фоизи вакциналаш харажатларидир.

Муборак ИДРИСХЎЖАЕВА суҳбатлашди

● Реклама ва эълонлар




ALSKOM
суғурта компанияси

"ALSKOM" суғурта компаниясининг тиббий суғуртаси ходимларингиз соғлиғи ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёрий тиббий суғурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Бизнинг суғурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

www.alskom.uz



Шифокорни уйга чақириш

Шошилч тиббий ёрдам

Вакцинация ва диспансеризация

Дори-дармон таъминоти

Амбулатория-поликлиника ва стационар хизмат

Стоматологик хизмат

Доимо саломат бўлинг!

"ALSKOM" суғурта компанияси АЖ
Тошкент ш. Амир Темури к. 109
E-mail: info@alskom.uz
Тел: 147-11-00 (211,312) Факс: 147-22-00



Ўзбекистонда Маълумотлар маркази қандай ишлатилмоқда?

Барча соҳаларга интернетнинг кириб бориши, хусусан, веб-сайтларга катта талаб қўйилиши маълумотлар марказларининг ҳаётини зарурат сифатида шаклланишига замин ҳозирлади.

Самарандорлик, ҳар хил хизматларни таъминлашга мослашувчанлик, хавфсизлик, захиралаш ва юқори яроқлилиқ, бошқарувнинг қулайлиги, узоқ вақт давомида бардошлилик — буларнинг барчаси бугунги маълумотлар марказига қўйилган асосий талаблардир.

Замонавий маълумотлар маркази:

— **ахборот инфратузилмаси:** сервер қурилмаларини қамраб олиб, маълумотлар марказининг асосий функцияси — ахборотни сақлаш ва қайта ишлашни таъминлайди;

— **телекоммуникация инфратузилмаси:** маълумотлар маркази таркибий элементлари ўзаро боғлиқлигини, шунингдек, маълумотлар маркази ва фойдаланувчилар ўртасида маълумотларни узатишни таъминлайди;

— **муҳандислик инфратузилмаси:** иқлим назорати ва электр энергияси таъминоти тизимларини ўз ичига олиб, маълумотлар марказининг мезбондаги функционал тизими назоратини таъминлайди;

— **хавфсизлик тизими инфратузилмаси:** маълумотлар ва маълумотлар маркази қурилмалари хавфсизлигини таъминлайди.

Маълумотлар маркази ағъанавий равишда фойдаланувчиларнинг катта қисмига хостинг хизматларини тақдим этади. Бундай марказлар юқори тезликдаги интернет боғланиши, ишончли қурилмалар ҳамда дастурий таъминот билан жиҳозланади. Google, Facebook, Yahoo, Amazon каби дунёга машҳур йирик компаниялар ўзларининг маълумотлар марказида катта миқдордаги маълумотларини сақлайди ва улар орқали ўз хизматларини тақдим этади.

Мамлакатимизда эса UZINFOCOM ва "Ўзбектелеком" АК Маълумотлар маркази хизматларини тақдим

этноқда. Хусусан, UZINFOCOM Маълумотлар маркази хостинг, со-location, жавондаги ўрин, жавон ижараси, ажратилган хона каби хизматлар, "Ўзбектелеком" АК Маълумотлар маркази эса виртуал флешка, видеоконференцалоқа, доменларни рўйхатдан ўтказиш, веб-хостинг каби хизматлар кўрсатади.

"Ўзбектелеком" АК Маълумотлар маркази 2010 йили миллий контентни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. "Ўзбектелеком" АК Маълумотлар маркази техник таркиби 14та IBM блейд сервер, 20 Тб ҳажмли маълумотларни сақлаш тизими, 264 Гб RAM, кафолатланган электр таъминоти, совутиш ва ҳаво айланиш тизимларидан ташкил топган.

Бу Маълумотлар маркази базасида фойдаланувчиларга 30 Гб.гача фойдаланиш имконини берувчи "Виртуал флешка" хизмати, 300дан ортиқ веб-сайтлар учун хостинг хизмати, со-location; UZ зонасидаги доменларни рўйхатдан ўтказиш хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Шунингдек, Маълумотлар маркази базаси кўнгилочар, илмий-техник мавзудаги видео контентлардан иборат Itube.uz, фойдаланувчиларга дастурий таъминотлар тақдим этувчи Soft.uzdc.uz, кунига 10 мингдан ортиқ фойдаланувчилар ташриф буюрувчи Game.uzdc.uz, фойдаланувчиларга шахсий файлларини ва фото маълумотларини сақлаш хизматини тақдим этувчи File.uzdc.uz ҳамда Image.uzdc.uz, Маълумотлар маркази фойдаланувчилари форуми — Uforum.uzdc.uz портали каби контент ресурсларни ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда, "Ўзбектелеком" АК Маълумотлар марказини ривожлантириш режаси асосида, бир қанча янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, янги Маълумотлар марказини ташкил этиш, замонавий "Булути ҳисоблаш" (Cloud computing) технологияси асосида Дастурий таъминот хизмати (SaaS), Платформа хизмати (PaaS), Инфратузилма хизмати (IaaS) каби хизматларни амалга оширишни таъминлаш ва уларнинг иш самардорлигини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида Маълумотлар марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

**Б.МАМАДАЛИЕВ,
ТАТУ талабаси**

Маълумотлар маркази (Data center) — кенг миқёсдаги фойдаланувчиларга ҳисоблаш хизматларини тақдим этиш мақсадида ташкил этилган тармоқ ва ҳисоблаш қурилмалари, совитиш ва хавфсизлик тизимини ўз ичига олувчи катта сондаги серверлар жамланган жой.

"Касаба-ТУР" веломарафони

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Бирлашма кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги туманларда жойлашган спорт мактабларида "Касаба-ТУР" веломарафони ўтказилди.

Зўр шижоат ва кўтаринки руҳда 20-35 ёшдаги эркек ва аёллар ўртасида Тошкент шаҳар туманларида тармоқлараро ўтказилган марафонда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалидан Албина Қаюмова, Раҳимжон Маҳмудов, Улуғбек Олимжонов, Шаҳноза Ғафурова, Раҳимжон Мирзааҳмедов, Ирода Алиева, Ботир Эргашев, Дилона Исроилова, Сабина Шодиева, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказидан Лазиз Муродов, "Матбуот тарқатувчи" АКдан Азиз Қосимов, Шуҳрат Раҳматов, Умид Жўраев, Сайфулла Хўжаев, Дилшод Камолов, Меҳридин Ўриновлар 10 км. масофани маҳорат билан босиб ўтдилар.

Марафоннинг 35 ва ундан кат-

та ёшдаги аёллар ўртасида ўтказилган мусобақасида эса "Тошкент почта-туманти" филиали Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғи 27-алоқа бўлими хабарчиси Озода Исмолова 5 км. масофада ўз маҳоратини кўрсатди.

Жорий йилнинг 2 май кунини Алишер Навоий номидаги Миллий боғнинг "Наврўз" мажмуасида бўлиб ўтган Тошкент шаҳар босқичида "ТШТТ" филиали 296-ЭАТС электромонтёри Улуғбек Олимжонов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, "Энг маҳоратли погачи" номинациясида "Тошкент почта-туманти" филиали Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғи 27-алоқа бўлими хабарчиси Озода Исмолова диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.



Андижонда футбол мусобақаси

Андижонда алоқачилар касб байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида соҳа вакиллари ўртасида мини-футбол турнири ташкил этилди.

Республика ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан уюштирилган мусобақада вилоят алоқа корхоналари ходимларидан иборат ўнга жамоа қатнашди.

Икки гуруҳда бештадан жамоа иштирок этган ўйинлардан сўнг ярим финал баҳсига "Алоқабанк", "Андижон матбуот тарқатувчи", "Андижон почтаси" ҳамда "UMS"чилар йўл олишди. Ярим финалда мазмунли ўйин кўрсатган "Почтачилар" ва "Алоқабанк" жамоалари финалда рўбару келиб, улоқни "Почтачилар" 1:0 ҳисобида галаба билан илиб кетишди.

Кун давомида ўтказилган му-



собақа якунида турнирнинг "Энг яхши тўпурари", "Энг яхши дарвозабони" ҳамда ўйинларда ўзини кўрсатган бошқа номинациялардаги ўйинчиларга эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Мусобақанинг бош голиби бўлган "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали жамоасига махсус диплом ва совғалар тақдим этилди.

**Элмурод ЭРМАТОВ,
"Андижон матбуот тарқатувчи" МЧЖ ходими**

ТАТУ: Совринли ўринлар

Тошкент ахборот технологиялари университетида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ташкил этилган футзал буйича мусобақа голиби ва совриндорлари аниқланди.

Олти жамоа қатнашган турнирда университетнинг икки жамоаси ҳам муваффақият қозонди.

"ТАТУ" жамоаси "Вестминстр" вакилларида устун келиб иккинчи, университет талабалари "Дипломатия" жамоасини 5:3 ҳисобида мағлуб этиб, учинчи бўлишди. ТЕИС жамоасини 16:3 ҳисобида мағлуб этган "Нажот-шиф" жамоаси, тўплар нисбатига кўра, мусобақа голиблигини қўлга киритди.

А.АЛИМАРДОНОВ, ТАТУ талабаси

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2012 йили Самар МАМАЗИЯЕВ номига берилган 13104-12-рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази жамоаси мазкур муассаса ҳайдовчиси

Ботиржон МУҲАМЕДЖАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

У ўн йилдан бери қассоблик қилар, ўз ишининг устаси эди. Хайвонларни синчилик билан танлар ва доимо ўзи сўярди. Сара гўшт қидирган киши излаганини унинг дўконидан топгани учун ҳам, харидорлари бисёр эди. Шу пайтгача мингларча жониворни сўйган қассоб суҳбатларда шундай дерди: "Мен учун хайвон сўйиш тарвуз сўйишдан кўра қулайроқ".

ҚЎЗИЧОҚНИНГ ҲОЛИ...



Йиллар давомида орттирган тажриба ёрдамида ҳали сўйилмаган жониворнинг қанча гўшт беришини аниқ айтар, қўйларни беш, ҳўкиз, сигирларни эса йигирма дақиқада сўйиб, бўлакларга улгурарди. Фақат... кейинги пайтда қўзичоқларни сўйишга қўли бормай қолди. Қўзи гўшти сўраб келган мижозларига: "Уларни катта бўлишга қўйинглр. Мана, бошқа гўштлар етарли-ку!" — дерди. Мижозлар эса қассобнинг бу сўзларига қандай маъно беришга ҳайрон, чунки ҳозиргача бу дўкондан қўзичоқ гўшти узилмаган эди. Ҳолбуки, қассобнинг бу ҳолати бесабаб эмас. Қўзичоқ дейилиши билан, қўз олдида бир неча ой олдин туғилган гўдаги келарди. Зотан, унинг ўзи ҳам қора қўзли, кўнғироқ сочли қизчасини "қўзичоғим" дея эркалатишга одатланганди.

Шу тарзда орадан ўтган бир неча ой ичида қассобнинг мижозлари сезиларли камайди. Буни қўзичоқ гўшти сотмай қўйганига йўларкан, бир қарорга келди: "Бўлди, бу ҳолга барҳам бериш керак! Шу даражада ҳам юраксиз бўладими одам?!"

Эртасига бошқа хайвонлар билан бирга битта қўзичоқ ҳам олди. Олдин молларни, кейин қўйларни сўйди. Одатдан ташқари, бу галги ишларини жуда секин бажарар, ўзича бир неча дақиқа бўлса ҳам қўзичоқнинг ўлимини кечиктирарди.

Навбат қўзичоққа келганда худди аҳамиятсиз иш қилаётгандек оғзига келган ашулани хиргойи қила бошлади. Аслида яхши билардики, бу ўзига тасалли беришга уринишдан бошқа нарса эмас. Қўзичоқни ушлаб, бир қўли билан ерга ётқизди, заиф вужуд унга қаршилиқ қилмади. Қассоб пичоққа қўл чўзаркан: "Нима ҳам қилардик, бу сизларнинг тақдирингиз", деб қўйди. Дафъатан қўзичоқни ерга босиб турган қўлида илиқлик сезди. Эътибор бермасликка уринди, чунки яна бирпас турса бор журъати ҳам йўқолишини биларди. "Э, нима бўлса, бўлар", дея пичоқ тортиш учун энгашаркан, қўзичоқни тутиб турган қўлларига боқиб қотиб қолди. Қўзичоқ ўзини сўйиш учун тутган қўлнинг кичик бармоғини онасининг елини ҳаёл қилиб эмарди...

Қойил...

Ёшни аниқловчи сайт



Microsoft компанияси ёшни суратга қараб аниқлайдиган хизматни ишга туширди.

How-Old.net сайти аслида Microsoft компаниясининг ҳазил тарихида яратган хизматидир. Сайтта машҳур инсонлар ёки шахсий суратингиздан фойдаланишингиз мумкин. У дарҳол фотодаги кишининг ёши ва жинсини аниқлаб беради.

Гарчи, аниқланган ёш ҳар доим тўғри чиқмаса-да, ресурс кенг омманинг қизиқишини уйғотди.

Кунлардан бир кун...

Америкалик буюк электротехник Томас Эдисон мунтазам равишда нималарнидир ихтиро қилиб юриши билан машҳур эди. Бир кун унинг дала ҳовлисида меҳмон бўлган дўстларидан бири ҳовлига кираверишдаги кичкина эшикнинг очилиши қийин бўлганлигидан нолиди.

— Уни очиш учун бор кучимни сарфлашимга тўғри келди, — деди у.

— Тушунарли, — деди Эдисон, — лекин, кучингиз бекор кетгани йўқ. Сиз ўша эшикни очиш билан томдаги сув идишга ўттиз литр сув кўтардингиз.

Кунлардан бир кун Бернанд Шоуни кўчада велосипедчи туртиб юборади. Ҳеч ким жабр кўрмайди. Тўқнашув айбдори хижолат чекиб, узр сўраётганда кекса драматург унинг сўзини бўлиб, шундай дейди:

— Омадингиз чопмади-да. Сал жиддийроқ туртганингизда эди, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Бир одам Пушкинни мот қилиш ниётида ундан сўради:

— Мен билан қуёш ўртасида қандай ўхшашлик бор? Шоир ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб қилди:

— Сизнинг башарангизга ҳам, қуёшга ҳам пешонани тириштирмасдан қараб бўлмайди.




Кунлардан бир кун машҳур масалнавис Криловдан ажойиб қобилият эгаси бўлатуриб нима учун бунча кам ёзиши сабабини сурашибди.

— Нима учун ёзасиз ўзи, деб сўраганларидан кўра, нима учун кам ёзасиз, деб сўраганлари яхши-да, — жавоб берибди Крилов.

Бир кун юнон донишманди Диогендан сурашибди: Кимнинг кўзи ўткир?

— Ҳасадгўйнинг кўзи, — жавоб берибди донишманд, — чунки улар сенда йўқ нарсани ҳам кўришади.

"РАҚАМЛИ" ОСИЁ



"2015 йил якунларига кўра, ОСИЁ ЭНГ Кўп ТРАФИК САРФЛАНАДИГАН МИНТАҚАГА АЙЛанади."

INFORMA TELECOMS & MEDIA

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КҶЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақамдан била 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗОҲИДОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖҶРАЕВ, Абдурашад АБДУМУМИНОВ, Ҳаким МУҲИТДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтаинг жума кун чикади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-565 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 12443 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор тоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукуста 534-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99